

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 691:666.943

Якубов Синдор Фирдавсович
Юқори самарадор ишқорли ячейкали бетонлар ишлаб
чиқариш

5А340501 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини
ишлаб чиқариш

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. Султанов А.А.

САМАРҚАНД-2013 й.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I боб. Me_2O- MeO-Me_2O_3-SiO_2 тизими асосидаги боғловчи моддалар ва бетонлар.....	6
1. Me_2O - MeO - Me_2O_3 - SiO_2 тизими асосидаги боғловчи моддалар ва бетонлар	6
2. Портландцемент ва шлакишқорли цемент асосидаги ячейкали бетонлар.....	25
3. Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	31
I боб бўйича хулоса	32
II боб. Хом ашёлар ва тадқиқот усуллари	33
1. Тадқиқот учун хом ашёлар	33
2. Тадқиқот усуллари танлаш	37
II боб бўйича хулоса	39
III боб. Ишқорли ячейкали бетонларнинг таркибини ишлаб чиқиш ва хоссаларини тадқиқотлаш.....	40
1. Ишқорли купикбетон таркибини ишлаб чиқиш	40
2. Ишлаб чиқилган ишқорли купикбетон физикавий-механикавий хоссаларини тадқиқотлаш	56
III боб бўйича хулоса.....	59
Хулоса	60
Илова	62
Адабиётлар рўйхати	65

КИРИШ

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш иқтисодида, хусусан, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида сифат ўзгаришлар зарурати пайдо бўлди. Бу масалаларни ҳал этиш учун қатор асосий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2006 йилдаги «Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тезлаштириш тўғрисида»ги №ПФ-3586-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2009 йилдаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги №ПП-1134-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2010 йилдаги «Қишлоқ жойларда шахсий уй қурилишини намунавий лойиҳалар асосида кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, улар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида, қурилишни ривожлантиришда муҳим силжишларга олиб келади [1, 2].

Ҳозирги пайтда иқтисоднинг барча бўғинлари каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ҳам ресурсларни тежашларнинг асосий йўналишларининг комплекс таҳлили зарур.

Ресурсларни тежашнинг асосий мақсади - моддий ва энергетик ресурслардан тежамли ва рационал фойдаланишдир. Қурилиш материаллари саноатида ресурсларни тежашнинг асосий йўналиши иккиламчи минерал ресурслар-ишлаб чиқариш чиқиндилари ва маҳаллий хом-ашёлардан кенг фойдаланиш ҳисобланади[3]. Бундай ресурс тежаш материалларига қурилиш ишлаб чиқаришига кенг тарқалган юқори кимёвий фаолли моддаларни, жумладан, ҳозирги пайтгача рационал қўлланилишга эга бўлмаган маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндиларини жалб қилишга имкон берувчи ишқорли металллар бирикмалари асосида боғловчи моддаларни киритиш мумкин.

Ўтган асрнинг 60-йилларида профессор В.Д.Глуховский томонидан ишлаб чиқилган ишқорли цементлар уларни ишлаб чиқаришига иссиқлик ва электроэнергиянинг кам сарфлилиги, юқори физик-механик кўрсаткичлари, узоқ муддатли чидамлилиги билан характерланади. Бу ишқорли боғловчилар асосида қотган табиий тош тузилиши боғланишларни ҳосил қилувчи янги бирикмалар билан шартланган [5, 9]. Ишқорли цементлар алюмосиликат ва ишқорли компонентлардан ташкил топган.

Алюмосиликат компоненти сифатида домен ва электротермофосфор шлаклар ҳам, фаол минерал моддалар ҳам фойдаланилиши мумкин. Бундай цементлар қиздирмасдан олинади, яъни буларда портландцементдан фарқли қиздириш жараёни бўлмайди.

Ишқорли боғловчиларнинг қотиш назариясини давом эттириб профессор П.В. Кривенко қотувчи ишқорли тош таркибида янги бирикмаларни йўналтирилган синтез йўли билан якуний маҳсулотнинг хоссаларини бошқариш принципларини ишлаб чиқди, бу эса алюмосиликат ташкил этувчининг кимёвий-минералогик таркибидан қатъий назар башоратланувчи хоссаларини таъминловчи бирикма ҳосил қилувчи элементларнинг берилган фазавий таркибига эга бўлган ишқорли боғловчиларни яратишга имкон берди [4, 5].

Бу принципларни асос сифатида қабул қилган Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти бир гуруҳ олимлари маҳаллий фаол минерал моддалар, жумладан, махсус вазифали ишқорли боғловчилар-фаол маҳаллий минерал моддалар ва саноат чиқиндилари асосида паст экзотермияли, юқори мустаҳкамли, тез қотувчан, сульфатга чидамли ишқорли цементлар, улар асосида бетонларни ишлаб чиқди. Бу ишқорли цементлар ҳозирги даврда долзарб бўлган юқори иссиқ сақлаш қобилиятига эга бўлган ячейкали бетонларни ишлаб чиқиш имкониятини беради [8, 29, 31, 39].

Мазкур иш ишқорли цементлар асосида самарадор иссиқ сақлаш қобилияти юқори бўлган ячейкали бетонларнинг кенг тарқалган тури кўпик бетонларнинг таркибини ишлаб чиқишга, рентгеноструктур, дифференциал термик ва микроскопик анализларни ўз ичига олган комплекс физикавий-кимёвий тадқиқот усулларида фойдаланиб қотиш натижасида ҳосил бўлган янги тузилмаларнинг таркибини аниқлашга, ишлаб чиқилган материалларнинг асосий техник ва технологик хоссаларини ўрганишга, ишлаб чиқилган ишқорли кўпик бетонлар хоссаларини яхшилаш йўллари ишлаб чиқишга, уларнинг узок муддатга чидамлилигини ўрганишга ва ишлаб чиқариш шароитларида синовдан ўтказишга бағишланган.

Иш Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти 5-сон Илмий тадқиқот ва синов лабораториясида (лаборатория мудири т.ф.н., доцент Султанов А.А.) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техник дастури дорасида (ИТД-16-021) бажарилди.

**I боб. $\text{Me}_2\text{O}-\text{MeO}-\text{Me}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$ тизими асосидаги боғловчи
моддалар
ва бетонлар**

**1.1. $\text{Me}_2\text{O}-\text{MeO}-\text{Me}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$ тизими асосидаги боғловчи моддалар
ва бетонлар**

Боғловчи система асосида олинган сунъий тош хоссалари керакли янги бирикмалар фазавий таркиби ва махсус хоссаларга эга тошни олиш мақсадида бу бирикма таркибини бошқариш фақат хом ашё материаллари таркиби ва хоссаларига, ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ боғловчи системанинг тузилишини шакллантириш қонуниятларинигина ўрнатиш мумкин бўлади. Шунинг учун ишқорларни ўз ичига олган маълум боғловчи материаллар ишлаб чиқариш технологияси, хом ашё материаллари таркиби ва хоссаларини таҳлил қилиш зарур. $\text{Me}_2\text{O}-\text{MeO}-\text{Me}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2-\text{H}_2\text{O}$ таркибдаги ишқорли боғловчи системаларни тадқиқ этишнинг ҳозирги босқичида, бу ерда Me_2O –ишқорли оксидлар (Li_2O , Na_2O , K_2O), MeO - ер-ишқорли оксидлари (MgO , CaO , SrO , BaO), Me_2O_3 - амфотер оксидлар (Al_2O_3 , Fe_2O_3 , Sr_2O_3 ва ҳ.к.), домен, электротермофосфор гранулаланган шлаклар, рангли металлургия шлаклари, ТЭЦ шлаклари ва куллари, эффузив ва интрузив тоғ жинслари, куйган жинслар, тупроқлар ва ҳ.к.лар каби алюмосиликат моддалар қатори асосида гидравлик боғловчилар ва бетонлар яратилган [4, 5, 6, 8, 28].

Бу системада энг ўрганилгани қурилиши ишлаб чиқарилишида қўлланишга эга бўлган домен, электротермофосфор ва рангли металлургия шлаклари асосидаги шлакишқорли боғловчилар

ҳисобланади. Шлакишқорли боғловчиларни ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё жуда катта ер майдонларини эгаллаб турган, атроф муҳитни ифлослантираётган катта уюмлардаги домен, электротермофосфор ва рангли металлургия шлаклари асосидаги шлаклар ҳисобланади.

Домен шлаклари шлакишқорли цементлар ишлаб чиқариш учун энг қулай. Уларнинг кимёвий ва минералогик таркиби руда бўш жинси эритилган чўяннинг иссиқлик кўринишдаги эритмаси таркибига, металлургик жараёнлар хусусиятларига, иссиқлик ёқиш шароитларига боғлиқ кенг чегараларда тебранади.

Домен шлаклар кимёвий таркибига кўра портландцемент ва ертупроқ цементга яқинлашади. Бу арзон қўшимча маҳсулотни боғловчи материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш тадқиқотчилар ва амалиётчилар диққат эътиборини жалб этади. Оҳак-шлакли цемент ва шлакпортландцементни домен шлаклари асосида ишлаб чиқариш бўйича биринчи тадқиқотлар Н.А.Белелюбский, Н.Н.Лямин, С.А.Дружинина ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ўтган асрнинг бошида шлакли цементлар ишлаб чиқариш ривожланишига А.А.Байков, В.А.Кинд, В.Н.Юнг, П.П.Будников, Д.С.Белянкин, Н.А.Торопов, В.В.Горшков, В.В.Лапин, С.Д.Маканов, В.В.Серов, С.М.Рояк, М.И.Стрелков, И.Л.Значко-Яворский, В.И.Сатерин, Я.М.Сиркин ва бошқа олимлар ишлари катта туртки берди [18, 20, 22, 24, 25, 26, 27].

Домен шлаклар таркибига асосан портландцемент клинкери оксидларига ўхшаш оксидлар CaO , SiO_2 , Al_2O_3 , MgO , FeO лар киради. Шлакларда олтингугурт бирикмалари CaS , MnS , FeS , баъзида TiO_2 ва фосфор бирикмалари учрайди. Шлакларда унчалик катта бўлмаган миқдорда уларнинг хоссаларига муҳим таъсир

этмайдиган бошка оксидлар учрайди. Домен шлаклари кўпроқ миқдори 90-96% га етадиган CaO , SiO_2 , H_2O_3 ва яна MgO лардан иборат.

Домен шлаклари кимёвий таркибига кўра потландцемент клинкеридан фақат баъзи компонентлар нисбати билан фарқ қилади. Шлаklar кўпроқ миқдорда кремнёземни, қисман тупроқ лой ва кам миқдорда кальций оксидини ўз ичига олади.

Қотган шлак эритмалар таркиби ва фазавий таркиби уларнинг кимёвий таркибига, хусусан, уларнинг асосийлигига ва совутиш шароитларига боғлиқ. Секин совутишда масалан, уюмларда асосий шлаklar деярли тўлиқ кристалланишга муваффақ бўлади. Улар ўзгарувчан таркибли қотган шишасимон модданинг унчалик катта миқдори билан цементлашган кристалл кўринишдаги турғун турли бирикмалар конгломератидан иборат. Сув, сув буғи ёки ҳаво билан совутишда асосий шлаklar эритмалари тўлиқ кристаллашмайди ва аралаш тузилишга эга бўлади.

MgO 4-6% гача ва 5-10% гача Al_2O_3 ни ўз ичига олган кристалл домен шлакларида одатда икки кальцийли силикат ($\beta=\text{C}_2\text{S}$, $\gamma=\text{C}_2\text{S}$) ранкинит ва цемент ташкил этувчи кўпроқ бўлган мелелит бўлади.

MgO 6-8% гача ва 15-20% гача Al_2O_3 ни ўз ичига олган кристалл домен шлакларида асосий фазалар окермант ташкил этувчиси кўпроқ бўлган мелелит ҳамда $\text{C}_2\text{S} \cdot \text{CaO} \cdot \text{H}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2$ лар ҳисобланади. Бундан ташқари, шлаklarда α -псевдолластонит $\text{CaO} \cdot \text{SiO}_2$, мервинит $3\text{CaO} \cdot \text{MgO} \cdot 2\text{SiO}_2$ монтегеллит $\text{CaO} \cdot \text{MgO} \cdot \text{SiO}_2$, CaS , MnS лар учрайди.

Грануланган электротермофосфорли шлакли доменлардан фарқли кимёвий таркибига кўра Al_2O_3 нинг кам миқдори ва

микдорлари йиғиндиси 90% га етадиган SiO_2 ва CaO оксидлари минералогик – псевдолластонит таркибидаги шишасимон кўп микдори билан характерланади. Бу силикат фосфордан электротермик тарзда кокс иштирокида табиий фосфоритлардан олинади ва қуйидаги реакция бўйича кремнийни ўз ичига олган хом ашёни олиш билан ҳосил бўлади



Шлак чиқиш ўртача 1000 кг фосфорга 10000 кг ни ташкил этади. Шлак уйма зичлиги 1150-1300 кг/м³, ҳақиқий зичлик 2,7 -3,0 г/см³. У 0,3 дан 1,2 мм гача бўлган доначалардан иборат. Доначаларнинг максимал йириклиги 3,0; минимали 0,1 мм. Йириклашиш модули 2,8; майдаланиш коэффиценти 0,8.

Домен ва электротермофосфор шлаклари гидравлик хоссалари кўп тадқиқотларда ўрганилган. Ҳатто энг қулай кимёвий таркибда ҳам тез совутилган ойналанган ҳамда секин аста совутилган ойналанган шлаklar оддий ҳароратда (15-20⁰С гача) деярли сув билан ўзаро таъсирда фаоллик кўрсатмайди ва демак қотмайди.

Лекин тадқиқотлар шуни кўрсатадики, домен ва электротермофосфорли шлаklarда ҳам кристалланиш ҳам ойнали фазада механик, кимёвий ва иссиқликнинг алоҳида ёки биргаликдаги таъсирида сувда эримайдиган янги моддаларнинг ҳосил бўлиши билан шартланган сув билан ўзаро таъсирга ва гидравлик қотишга қобилиятли ташкил этувчилар мавжуд. Бу хулоса турли кўринишдаги домен шлаklarни ўрганган ва уларнинг турли минераллар, микроралашмалар ва активизаторлар қўшимчаларнинг мавжудлигига боғлиқлигини кўрсатган К.С.Горшков томонидан чиқарилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида Б.И.Виноградов шлак гидравлик

фаоллигини унинг таркибидаги минераллар миқдори ва нисбати бўйича баҳолашни таклиф этди.

Шлак ва портландцемент ташкил этувчилар асосий минералларини гидратацияга қобилияти иссиқлик билан ишлов берганда қуйидаги қатор бўйича камаяди[4]: $C_3S >$ калёций алюмодифферентлари $> \beta-C_2S_3 >$ асосий таркибли шлак ойна $>$ мелелит $> \gamma-C_2S >$ мервинит $>$ мотегеллит $>$ паст асосли алюмосиликатлар ва калёций силикатлар $>$ раникинит $>$ псевдолластонит $>$ фаялит $>$ пирокен.

Шунинг учун шлак боғловчи кулнинг аҳамияти улардаги гидравлик фаоллик фазалари қанча кўп бўлса шунчалик юқори. Бунда мустақил қотувчи фазалар Ca_3S , кальций алюмодифферент, $\beta-C_2S$ (ки асосий шлак ойнанинг) маълум миқдорида борлиги нормал ҳаво-намлик шароитларида қотувчи бетонлар тайёрлаш учун шлаклардан (қотишма активизаторлари билан бирга уларсиз) фойдаланиш имконини беради. Агар бу фазалар бўлмаса ёки улар кам миқдорда кузатилса, қотиш активизаторларини киртиш зарур ва (ёки) $95-100^{\circ}C$ да ёки ҳатто $175-200^{\circ}C$ (автоклавларда) иссиқликда ишлов беришни қўллаш лозим. Иссиқнамлик қайта ишлов беришда (айниқса автоклавда) шлак ойналар гидравлик фаоллиги деярли ихтиёрий кимёвий таркиб учун кескин ўсади, лекин бу технология катта энергия ресурслари ва технологиянинг мураккаблиги билан боғлиқ.

Ойнали шлакларга кўп бўлмаган миқдорда ишқорлар ва сульфатлар киритилиши уларга яширин гидравлик хоссаларини фаоллаштиради. Киритилаётган қўшимчалар турига мос равишда шлак ишқорга сульфат ва кўпайиш фаоллиги ажратилади[13]. Ишқорли активизаторлар сифатида сув билан $Ca(OH)_2$ ўзаро таъсирида ажраладиган оҳак ва портландцементдан, сульфатли

активизаторлар сифатида турли модификацияли гипс, ангидрит CaSO_4 ишлатилади. Аралаш қўзғатишда бу активизаторлар бир вақтда киритилади. А.В.Волженский қатор олимлар ойналар коррозияси ва кальцийли гидрооксид ва гидроалюминийларини ҳосил қилиш шартлари соҳасидаги натижаларни умумлаштириб шлак тупроқ металлларни фаоллаштиришнинг қуйидаги схемасини тузди: Сув билан тўқнашганда ойнани энг фаол қисмлари шлак доначалар сиртида сув молекуласини адсорбциялайди. Маълумки [13] ойна $(\text{SiO}_4)^{4-}$ $(\text{AlO}_4)^{5-}$ ва ҳ.к. бир-бири билан кислородлар боғланишлар билан боғланган турли таркибли ва кўринишдаги политетраэдрик таркибларга ва айланган анионлар комплексларидан иборат. Бу анионларга яна $\text{Si-O} \dots$ МС схема бўйича катион модификаторлар бирлаштирилган. Сувни ойна билан адсорбциясида ойнадан иборат кучсиз боғланишли ишқорли ва паст ионларга $\text{Si-O} \dots \text{H}$ гуруҳни ўз ичига олган гидратация кремнезем пленкалари ойна қисмлари сиртида ҳосил бўлиши билан бирга рўй беради. Бу пленкалар шлак сув билан ўзаро таъсирга тўсқинлик қилади.

Сув эритмасини натрий, калий, кальций ва ҳ.к. гидрооксидлари кўринишидаги шлак бирикмаларга киритилмайди




схема бўйича асос силикатлар (масалан, кальцийли) пайдо бўлишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, бу реакция тескариланувчи ва у ёки бу силикатларнинг турғун мавжудлиги фақат сув эритмасида мос металллар гидрооксидларнинг маълум концентрациясида мумкин, хусусан, кальций энг асосий бўладиган гидросиликатларнинг турғунлиги CaO нинг 0,8-0,1 г 1 л дан кўп бўлмайдиган концентрацияларида эришилади.

Паст асослар кальций гидрооксиди турғунлиги учун 0,3 г/л атрофида СаО концентрацияси зарур.

Фақат бундай шароитларда турғун силикатлар (ва алюминитлар) ҳосил бўлади ва гидратлашган кремнезем пленкаларининг бузилиши рўй беради. Бунда ойнанинг чуқурак жойлари очилади ва сув учун йўл очилади. Бу ўз навбатида унинг кейинги гидролиз ива гидратацияси билан бирга амалга оширилади.

Шундай қилиб, кўпроқ миқдорда шлак ойнасининг термодинамик мувозанатини бузувчи ишқорли активизаторларни киритиш ўзига хос турткини беради. Бунда сув билан ўзаро таъсирда шлак ойнаси турғунроқ кальций гидрооксиди, гидоралюминитлар, гидоралюмосиликатлар ҳосил бўлади. Янги бирикмаларнинг фазавий таркиби гидроксил ионлар сув эритмасида ойна таркиби, активизаторлар сони, концентрацияга ва ҳароратга боғлиқ.

Шлак ойнаси гидратациясини юқори интенсивлашда 14 га яқин рН ли ишқорли муҳит ёрдам беради. Бу ҳолда айниқса гидроксил ионлар юқори концентрациясини яратувчи ишқорли сув эритмалари билан оҳакли шлак аралашмаларни тўлдириш самара беради. Охиргилари кичик ион радиус ($0,96 \cdot 10^{-3}$ мк) билан характерланиб, нисбатан осон ойна кўринишли тузилмага киради ва унинг гидратациясига ёрдам беради.

Асосий домен шлакларга 5-10% миқдорида оҳак ёки порландцемент киритиш ишқорни фаоллаштиришга олиб келади. Бундай шлакларни одатдаги ҳароратдаги гидратацияси фақат



таркибни паст асосли толали кальций гидросиликатлар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида сунъий тош паст мустаҳкамликка эга бўлади.

Асосий шлакарга кўп миқдорда оҳак (25-40% гача) ёки портландцемент(50-65%) нинг киритилиши юқори асосийликка эга[5] калций гидросиликатларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бунда сунъий тош 30Мпагача қисишда мустаҳкамликка эга бўлади.

Шлакларни сульфат билан фаоллаштириш кальций сульфатга шлак элементларнинг қотишига бошқа бирикмалар билан ёрдам берувчи бевосита тупроқлой, кальций гидрооксиди ва сув билан ўзаро таъсирга учрайди.

Унчалик катта бўлмаган активизаторлар қўшимчлар таъсирида намоён бўладиган гидравлик қотишга яширинча қобилят грануланган домен шлакларни нордон фаол (гидравли) қўшимчаардан ажратиб туради.

Охиргилари мустақил боғловчи хоссаларга эга эмас. Улардаги цементли янги бирикмалар фақат калций гидрооксиднинг фаол кремнезем ва қўшимчалар тупроқ лой аралашмаси билан тўғри таъсири натижасида пайдо бўлади.

CaO (20-30%) кам миқдорли шлаклар оралиқ хоссалар билан характерланади. Агар уларга кўп миқдорда оҳакни киритсак , улар CaO нордон гидравлик қўшимча билан ўзаро таъсирда бўлади, унчалик катта бўлмаган қўшимчаларда уларни ташкил этувчи компонентлар гидратация ҳисобига қотади. Бунда олинган сунъий тош мустаҳкамлиги паст ва 10-15 МПа дан зиёд бўлмайди[13].

Грануланган шлакларни натрий гидрооксиднинг кучсиз эритмалари ёки натрий сульфат, хлорид, карбонат ва нитратлар билан оҳак аралашмаси билан фаоллаштиришга уринишларни А.О.Пурдон [7] биринчи марта амалга оширган. Бунда А.О.Пурдон шлакга киритган бутун ишқор озод ҳолатда қолади, бунинг асосида у ишқор катализатор ролини ўйнайди. Юқори эрувчанлик туфайли катта

микдорларда киритиш мумкин эмас. Ишқорли металллар бирикмалари кучсиз эритмалари билан фаоллаштирилган шлаклардаги боғловчилар мустаҳкамлик унчалик катта бўлмаган кўрсаткичларга эга, шунинг учун қўлланишга эга бўлмайди. Г.Н.Сивирцев грануланган шлакларни оҳакнинг ҳидли ишқорлари ёки эрувчан ойналар аралашмаси билан фаоллаштирди. Бундай уйғотилган бетонлар ҳам кенг қўлланишга эга бўлмайди. Унинг фикрича, шлаклар фақат оҳак ёки потрландцемент, унинг парчаловчилари билан фаоллаштирилади. Бундай қўшимчалар сарфини камайитириш учун муаллиф фикрича шихтага оҳак ёки портландцемент билан бирга катализаторлар сифатида ишқорлар ёки ишқорли силикатлар унчалик катта бўлмаган микдорда киритиш мумкин. Бу ишлар муаллифи бу бирикмаларни юқори эрувчанлигидан огоҳлантирган.

Юқоридагиларга асосан, унчалик катта бўлмаган микдорларда ишқорли металлларнинг юқори эрувчан бирикмаларини ўз ичига олган грануланган шлаклар асосида боғловчи системаларни композицион тузилишининг реал боғловчи моддаларни олишга ва портландцемент билан фаоллаштиришга олиб келинади. Бунда табиий тош мустаҳкамлиги паст бўлиб қолади.

В.Д.Глуховский 1954 йилда минерал моддаларнинг гидравлик боғловчи хоссаларининг пайдо бўлишининг биринчи сабаблари ҳақида бутунлай янги ёндашувни ишлаб чиқди ва минерал моддаларнинг гидратация қотишига қобилятини баҳолашда уларнинг эрувчанлигини чегараловчи талабни боғловчилар ҳақиқий таркибига эмас, уларнинг гидратацияси маҳсулотларининг, яъни синтезланаётган табиий тошдаги тузилиш боғланишларни яратувчи янги бирикмаларга қўйиш лозим деб таъкидлаган эди. В.Д.Глуховский гидратация – бу мажбурий, лекин минерал

моддаларнинг гидравлик боғловчи хоссалари намоён қилишига етарлича шарт эмас деб ҳисоблади. Иккинчи аниқловчи шарт-қотиш маҳсулотлари таркибида сувга чидамли янги бирикмаларни шакллантириш ҳисобланади.

В.Д.Глуховский тадқиқотлари билан ишқорли металлларнинг эрувчан бирикмалари(ҳидли ишқорлар, носиликат ва силикат тузлар) алюмосиликат системалар билан биргаликда(жумладан грануланган шлаклар билан) гидравлик боғловчи системаларни ҳосил қилади-сувда нормал ва табиий шароитларда ҳамда буғланишга ва автоклавлаш шароитларида қотувчи цементлар ҳосил қилади.

Бундай цементларда ишқорлар кўп миқдорда (3 дан 20% гача) бўлади ва активизатор эмас сувда амалий эримайдиган ишқорли гидроалюмосиликатларни ҳосил қилувчи боғловчининг мустақил компоненти бўлади.

Тупроқ цементларнинг хусусий ҳоли бўлиб, сувда ишқорли реакция берувчи ишқорли металллар(литий,натрий, калий) бирикмалари эритмалари билан майдаланган металлургия шлакарни аралаштиришдан олинadиган сув ва ҳавода қотувчи гидравлик боғловчи моддалардан иборат шлак ишқорли боғловчилар ҳисобланади.

Ишқорли металллар бирикмалари сифатида техник маҳсулотлар сода, поташ, фторли натрий, эрувчан ишқорли силикатлар ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндилари: ишқорлар эритмаси, сода ишқорли эритма, натрий метасиликат ва ҳ.к.лар ва табиий содадан фойдаланилади.

Кўрсатилган маҳсулотлардан ташқари тегишли қайта ишлов ва лаборатория синовидан сўнг ишқорли металллар бирикмаларини ўз

ичига олувчи ишлаб чиқариш қўшимча маҳсулотлари ёки чиқиндиларидан фойдаланиш мумкин.

Ишқорли боғловчиларни, шу жумладан шлак ишқорли металлларнинг назарий асослари, ишқорли металллар-литий, натрий, калий бирикмаларидан гидравлик боғловчи хоссалари бўлишининг В.Д.Глуховский томонидан очилган асосларга таянади.[5]

Ишқорли боғловчилар тузилиши шаклантириш қонуниятларини домен ва электротермофосфор шлаклар асосида шлак ишқор боғловчилар мисолида кузатиш мумкин.

Домен ва электротермофосфор шлаклар мустақил сув билан кучсиз гидратланади. Уларнинг ишқорли металллар билан аралаштириш аралаш муҳити реакция қобилятини оширади, яъни муҳитнинг рН ини оширади, бу эса шлакнинг силикат ва алюмосиликат ташкил этувчилари гидратациясини таъминлайди.

«Гранулланган шлак-ишқорли компонент» системасини боғловчи сифатида қўллашнинг зарурий шарти гидратация диспергацияси ва кейин шлак сувга чидамли янги бирикмаларга гелийли поликонденсациялашга гелий ҳосил бўлиш жараёнлари мавжудлигидан иборат. Гидравлик боғловчилар ҳақида қоидаларга таяниб, бу жараёнлар диспергацион-коагуляцион тикотроп тузилмалар ҳосил бўладиган берилган қотишма моддани маълум тузилиш бирликларигача деструкцион айланишлар комплекси билан ифодаланиши мумкин.

Бу жараёнлар батафсил П.В.Кривенко томонидан қаралган [4]. Бу тадқиқотларга кўра ишқорли муҳитда ихтиёрий ўз-ўзига заррачаларнинг диспергацияси жараёнида биринчи босқичда асосий ўринда адсорбцион кимёвий диспергациялаш туради, унинг натижасида ишқорли коллоид куллар ҳосил бўлади. Охирчилари Ме-

О ион билан боғланишлар модданинг сув билан ўзаро таъсирида осон қутбланувчи қутбланиши билан эмас аралаштиришда ташқаридан киритиладиган ишқорли металллар ионлари иштирокида Si-O-Si Al-O-Si ковалент боғланишлар узилиши ҳисобидан ҳосил бўлади.

Гидратация бошланғич босқичида аралашиш ишқорли муҳити таркибида системага киритиладиган ишқорли металллар катионлари ишқорли силикатлар ва алюмосиликат ҳосил қилиб $\equiv\text{SiO}^-$ анионлар билан биргаликда комплект бирикмалар ҳосил бўлишида қатнашади. Келгусида ҳосил бўлган ишқорли силикатлар шлакда қатнашувчи ишқорли боғловчи Me^{2+} ионлари билан биринчи навбатда Ca^{2+} катионлари билан бирга $\equiv\text{SiO}-\text{O}^- + \text{Na}^+ \rightarrow \leftarrow \equiv\text{Si}-\text{O}-\text{Na}$ схема бўйича, кейинчалик





схема бўйича катионалмашув реакцияларига киришиши мумкин.

Натижада ишқорли ер металллар катионлари реакция маҳсулотлариини қаттиқ фазага ўтказди. Шу билан бирга, диспергациялаш Ca-O боғланишларни узиш йўли билан кетиши мумкин. Бу ҳолда ҳам шлакни катион унинг диспергациялаш жараёнини интенсивлаштиради.

Ишқорли муҳит шароитларида шлак диспергацияларнинг деструкцияси физик-химик асосларини таҳлил этиб, бу жараённинг тезлиги шлакнинг кимёвий-минералогик таркиби, аралашгич муҳитининг *pH* қиймати, ишқор компонент билан боғловчи системага киритиладиган анион табиати билан аниқланади деб хулоса чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, боғловчи силикат ва алюмосиликат ташкил этувчилар фазалари гидролитик деструкция ва турғун гидратацияларни таъминлаш мажбурий шарти ишқор моддаларнинг борлиги ҳисобланади.

Шлак ишқорли боғловчи қотишишнинг 2-босқичи ҳажм бирлигида дисперсион фазанинг кескин ошиши натижасида фазанинг кескин коллоид фракциялар асосида конденсацион тузилишнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиш билан характерланади.

Шлак ишқорли боғловчи системада кул ва гелий ҳосил бўлиш жараёни батафсил П.В.Кривенко [4] томонидан тавсифланган. Лекин ҳақиқатда гелекомпонет ҳосил бўлиш жараёни гидрооксидлар сорбцион жараёнлари ҳисобига кремний кислота поликонденсацияси жараёнини жуда интенсивлаштиради. Al, Re, Mg, Mn, Ca металллар катионларининг борлиги туфайли анча мураккабдир.

В.Д.Глуховский [5] томонидан кўрсатилганидек, шлак ишқорлар асосида юқори фаол гидравлик боғловчининг етарли шарти бўлиб, силикат компонентни гидратацияси ҳисобланади. Бундай боғловчини олиш мажбурий сифати аралашма муҳитида диспергацион жараёнида пайдо бўладиган кремний кислотаси ишқорли гидроземни сувга чидамли бирикмалар билан боғланганшга қодир амфотер металлларнинг етеарлича сондаги катионаларининг аралашиши муҳитида иштирок этиши ҳисобланади.

Амфотер металллар катионлари етарлича сонда янги бирикмалар таркибида фақат ишқорли металллар асосида сувга чидамли тошнинг олишга имкон бермайдиган, сувда эрийдиган ишқорли гидросиликатлар ҳосил бўлади.

Бу ҳолат В.Д.Глуховский ишқорли цементларини унчалик катта бўлмаган миқдорларда(5-7%ли концентрацияли эритмалар билан)

хидли ишқорлар ёки оҳак ва цементнинг ишқорли металллар тузлари билан аралашмаси ёрдамида А.О.Пудрон, Г.Н.Сивирцев, ва Г.Кюллар фаоллаштирган шлаклардан принципиал фарқ қилади. Бундай шароитларда ишқорли бирикмалар ўзларини қотиш активизаторлари каби тутати, чунки кичик миқдорларда(шаўалнинг массасининг 2%гача) киритилган бўлсада, улар цемент тошда тўлиқ озод ҳолатда қолади ва янги бирикмалар таркибига кирмайди [23].

П.В.Кривенко гел ҳосил бўлиш гидрооксидлари ўзининг амфотерлиги туфайли жараёнини тадқиқ қилиб, ишқорли цементнинг реакция қобилятига катта таъсирни кренезем каби гидратланувчи шлак коагуляцион тузилишининг ривожланиш жараёнларида тузилма ҳосил қилиш асослари ролини ўйнайдиган алюминийнинг шлакда бўлиши ҳисобланади.

Бундан ташқари, алюминий коагуляцион тузилмалар ҳосил бўлиш жараёнида ҳам катион, ҳам анион ташкил этувчи ролини ўйнаши мумкин, бу эса кремнекислота гидрозоллариининг қотиш фазасига ўтишига ва қотиш жараёнининг интенсивлашига ёрдам беради.


Бу факт Ж.В.Скурчинская [16] ва Р.С.Жукова [17] тадқиқотларида қотишда алюминий катионлари ишқорли муҳитда турғун-чорак координациядан турғун-олтиланган координацияга ўтадиган ва ишқорли алюмосиликат таркибли сувга чидамли турғун янги бирикмалар билан боғланадиган тупроқ типдаги сунъий ва табиий алюмосиликатлар асосидаги ишқорли боғловчилар мисолида кўриб чиқилган.

А.А.Тулаганов [12, 13] ишқорли цементларни модификациялаш йўллариини, хусусан, қотишнинг дастлабки ва кейинги босқичларида камраб олиш муддатларини, мустаҳкамликка эришиш тезлигини

бошқариш, цементли тошнинг деформативлигини, ишқорли цемент тошнинг коррозияга чидамлилиги ва иссиққа чидамлилигини бошқариш йўллари келтирган. Қатор муаллифлар билан биргаликда цемент ва бетон ишлаб чиқаришда нанотехнологияни қўллаш йўллари баён этган.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб алюминий каби амфотер хоссаларга эга поливалент металллар оксидлари шунга ўхшаш гидрокомплекслар ҳосил қилади деб фараз қилиш мумкин.

Шунга кўра ишқорли боғловчиларда оксидлар нисбати қуйидаги чегараларда бўлиши лозим



Ишқорли цементларда конденсацияли тузилма ҳосил қилиш жараёнларида кремне ва алюмогелий билан ўзаро таъсирда бўлиб ҳамда ишқорли ионлар билан катионалмашув натижасида калций гидросиликатлари ва гидроалюминитлари коллоидларни ҳосил қиладиган Ca^2 катионлар катта ролё ўйнайди. Уларнинг асосийлиги ишқорли компонентнинг миқдорига боғлиқ: қотувчи системада MeO нинг моляр ҳажми ошиши билан гидросиликатлар ва гидроалюминитларнинг асосийлиги камаёди.

В.А.Матвиенко кўрсатганидек, маълум вақтдан сўнг ишқорли боғловчиларда қотувчи сунъий тошнинг мустаҳкамлиги ошиши билан суяқ фазанинг рН и камайиб боради. Шундай қилиб, тузилма ҳосил бўлишнинг иккинчи босқичида ишқор гелий ҳосил бўлиш жараёнига фаол киришади ва сувга чидамли ишқорли бирикмалар ҳосил қилади.

Тузилмалар ҳосил бўлишининг учинчи босқичи коллоид заррачалардан янги бирикмаларнинг кристалланиши, цементли тошнинг кристаллик тузилишини шаклланиши билан характерланади.

Янги бирикмаларнинг миқдорий ва сифат таркиби шлакнинг кимёвий-минералогик таркиби, ишқорли компонент табиати, қотиш шароитлари билан аниқланади.

Бунда қотишнинг турли босқичларида гидратация кристалл маҳсулотлари тоберморит гуруҳининг паста сосли калций гидросиликатлари, калцит, цеолит ва слюдалар типдаги ишқорли гидоралюмосиликатлар ҳамда аралаш ишқорли ишқортупроқ бирлашмаларни ўз ичига олади.

Янги бирикмаларнинг ҳақиқий таркиби мустаҳкамлиги 30-120МПагача тебранадиған ишқорли боғловчилар асосидаги сунъий тошнинг физик-механик хоссаларини белгилайди. Бунда шаўаллар химик-минералогик таркибининг цементлар мустаҳкамлигига эришиш интенсивлигига таъсири жуда катта. Бундан шлаклар химик таркибининг ишқорли боғловчи ва бетонлар хоссаларига таъсирини тадқиқ этган В.А.Ракшининг[6] маълумотлари далолат беради. Тадқиқотлар натижаларининг таҳлили муаллифга ишқорли компонентлар гуруҳининг ҳар бири учун шлаклар асосийлиги ва фаоллиги модуллари қийматлари бўйича ҳам, сифат коэффиценти қиймати бўйича ҳам ишқорли боғловчининг фаоллигини тахминан башорат қилиш мумкин деган хулосага келди.

Бунда ишқорли компонент сифатида содадан фойдаланиш ҳолида домен шлаклари улар билан нордонларга қараганда у билан интенсив ўзаро таъсирга киришади ва улар асосидаги боғловчилар катта фаоллика эга бўлади.

Нордон шлаклар асосидаги ишқорли боғловчилар асосий шлаклар асосидаги боғловчиларга нисбатан ҳидли ишқорлар билан ўзаро таъсирда катта фаолликка эга. Бунда шлакнинг асосийлиги ошиши билан уларнинг табиий шароитларда қотиши ошиб боради. Бу

эса ишқорли боғловчи ва бетонларнинг турли туман хоссаларига олиб келади.

Ишқорли боғловчининг деформатив хоссаларига қатор ишлар[6, 8] бағишланган, улар фаоллик каби шлак ойнанинг химик-минералогик таркиби билан ўзаро боғлиқдир.

Ишқорли боғловчилар деформатив хоссаларига шлакнинг таркиби таъсири, хусусан, эластикликнинг бошланғич модули, сижишлик, қуришда ўтириш каби боғловчиларнинг муҳим деформатив хоссалари билан шлак шишасимон кўринишдаги компоненти химик ва фазавий таркиби орасидаги боғланиш [6] ишда ўрганилган.

Ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, кристаллашган янги бирикмалар сонининг ошиши билан эластиклик модули кристаллашган фазалар сонидан қатъий назар ўсиб боради. Охиргиси шаўал шишада калций ва кремни оксидлари нисбатлари, ундаги ўтиш металлари оксидлари мавжудлиги ва сонига, ишқорли компонент кўринишига боғлиқ. Боғловчиларнинг қуришда ўтириши янги бирикмалар кристаллашуви даражаси ошиши билан камаяди. Шунингдек, янги бирикмалар кристаллашуви даражаси ошиши билан боғловчиларнинг силжиши ҳам камаяди. Қуришда ўтириш ўтиш металлари оксидлари сонининг ошишида CaO/SiO_2 нисбатнинг ошиши билан камаяди. Шлакнинг асосийлик модули ўсишида ўтириш камаяди. У шишада магний оксиди ошишида кўпаяди, лекин алюминий оксиди миқдори ошганда камаяди.

Шлакда ишқорли металл оксидларининг ошиши билан ўтириш ҳам ўсади.

Умумий ҳолда ишқорли боғловчилар қотишида пайдо бўладиган янги бирикмалар кристаллашуви даражаси ошишига ёрдам берувчи

барча омиллар уларнинг деформатив хоссаларини яхшилайти. Янги бирикмалар кристаллашиш даражасини ошириш учун гель (қаттиқ лой) кўринишдаги янги бирикмалар гомоген ёки гетероген кристаллашишини ҳосил қилувчи ҳамда шлакишқорли бетонлардан буюмлар иссиқнамлик қайта ишловининг юмшоқ режимини ўрнатиш учун қўшимчалардан фойдаланиш мумкин [9].

Шлак ишқорли боғловчилар хом ашё базасини кенгайтиришнинг йирик заҳираси бўлиб рангли металлургия шлаклари ҳисобланади. Бундай хулосага Султанов А.А. олиб борган тадқиқотлардан хулоса қилсак бўлади [8].

Ҳозирги пайтда рангли металлургия чиқиндиларини утиллаштириш муаммоси катта долзарбликка эга бўлишининг боиси корхоналарда шлаklarнинг чиқиши асосий маҳсулот ҳажмидан жуда кўп ошиб кетади. Бундан чўян, никел, мис ва кўрғошин куйишида олинадиган шлаklar ҳажмларининг қиёсий баҳоси далолат беради. Шунга кўра жуда катта жойларни эгаллаган, шу жумладан қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерлардаги миллион тонналаб чиқиндиларни йўқотиш учун жуда катта маблағлар сарф қилинмоқда. Масалан ҳозирги пайтда МДХ мамлакатларида рангли металлургия корхоналаридаги уюмларда қарийб 500 млн тонна қаттиқ чиқиндилар жойлашган ва йилига 30 млн тоннадан кўп чиқиндилар ҳосил бўлмоқда [7]. Ўрта Осиё региони мамлакатларида уюмлар ҳажми 50 млн тоннани ташкил этади ва йилига миллион тоннадан зиёд чиқинди ҳосил қилинмоқда.

Бунда қурилиш материаллари учун энг катта қизиқишга рангли металлургиянинг грануланган ва уюмли шлаклари-МДХ мамлакатларида йилига 15 млн тоннани ташкил этадиган, ўрта Осиё мамлакатларида эса 1 млн тоннадан зиёдни ташкил этувчи никел,

мис, мис-никел, кўрғошин, кўрғошин-рух чиқиндилари ҳисобланади. Маълумотларга кўра [7] рангли металлургия шлаклари вақт ўтиши билан ўзгармайдиган етарлича турғун химик-минералогик таркиби билан фарқ қилади.

Рангли металлургия шағалларининг чиқиши ва уларнинг захиралари ҳажмларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, бунда шлаklar қурилиш материаллари саноати йирик хом ашё базасини ташкил этиши мумкин.

Қаралаётган шлаklarдан саноат шароитларида минералватли плиталар, қуйма фундамент блоklar, турли ўлчамли плиталар, борт тошлари, қувурлар, футипли материаллар, зич ва ғовакли тўлдирувчилар олинади[7].

Кўрғошин ва мис шлаklar асосан потрландцемент клинкер ишлаб чиқаришда темирни ўз ичига олувчи хом ашё сифатида фойдаланса ҳам бўлади [7].

Юқорида санаб ўтилган материалларни ишлаб чиқариш учун ҳозирги пайтда шлаklarнинг йилик миқдорининг 3-10%гина фойдаланилмоқда, бу эса бу ялпи хом ашёни утиллаштириш муаммосини тўлиқ ҳал этишга имкон бермайди. Бу муаммога катта эътибор чет элларда ҳам қаратилмоқда, ваҳолонки бу шлакарнинг қурилиш материаллар ялпи ишлаб чиқаришида фойдаланиш масаласи ҳам ечилмаган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича адабиётларнинг таҳлили рангли металлургия шлаклари чиқиш ҳажмларининг катталиги ва химик-минералогик таркибининг етарлича турғунлиги туфайли қурилиш материаллари ишлаб чиқариши учун йирик хом ашё базаси ёўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин, ҳозирги пайтда бу шлаklarни оммавий утиллаштириш олиб борилмаяпти, бу эса улар асосида

махсус хоссаларга эга боғловчилар ва бетонларни яратиш янги йўллари излаш зарурлигини тақозо этади. Бундай фойдаланиш соҳаси бўлиб рангли металлургия шлаклари, хусусан, кўрғошин ва мис шлаklarининг юқори зичлиги туфайли оғирлашган тампонаж цементларни ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

Ишқорли цементларда алюмосиликат компонент сифатида домен, электотермофосфор шлаklar билан бир қаторда куйган жинслар, лойлар ва ҳ.к.лар кўринишдаги фаол минерал моддалардан фойдаланиш мумкин [6, 8, 21, 53].

Табиий келиб чиқишга эга фаол минерал моддалар асосида ишқорли боғловчиларни ишлаб чиқиш бўйича биринчи тадқиқотлар Г.С.Ростовский, Т.В.Пляшечникова, Н.Л.Македон, Л.А.Мясова, А.Д.Циремпиловларнинг В.Д.Глуховский раҳбарлигида олиб борган тадқиқотлари ҳисобланади.[5]

Г.С.Ростовская қотишнинг табиий шароитларида ва буғланишда ҳидли ишқорлар куйдирилган лойларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ этди. Гидратация ва қотиш маҳсулотлари бўлиб гидронефелин, аналцим, мусковит бўлди. Цементли тош турли даражадаги сувга чидамликка эга бўлди.

Т.В.Пляшечникова шлакишқорли боғловчиларни 50%гача эффузив вулқон жинслар билан алмаштириш мумкинлигини исботлади, бу гидросодалит ва натролит каби бундай материаллар аналоглари кўринишдаги янги бирикмалар таркибида цеолит фазаси миқдорини 20% дан зиёд ошириб юборади.

Бундай жинслардан янги бирикмалар таркибида цеолит фазани ошириш мақсадида чангшлакли ишқорли боғловчида шлакнинг бир қисмини алмаштириб фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини Н.А.Македон ҳам ўрнатган.

Л.А.Мясова кейинроқ 1974-1978 йилларда $M_o=0,2..0,7$ бўлган грануланган вагранли шлаклар ва эффузив тоғ жинслари асосидаги ишқорлибоғловчиларни ўрганди. Бу алюминатларни ҳидли натр ёки оҳакли сода аралашмаси билан аралаштиришда ва нормал ва гидротермалё шароитларда қотишида бундай боғловчилар гидратацияси маҳсулотлари сифатида CSH(B), калцит, аналцим, ва парагонит шаклланади. Боғловчининг фаоллиги нормал шароитларда 47...50 МПа, автоклавлашда – 55...» МПани ташкил этади.

Эффузив тоғ жинслари асосида ишқорли боғловчилар А.Д.Циремпилов томонидан ишлаб чиқилган. Бу боғловчиларда ишқорли компоненти сифатида ҳидли ишқорлар ёки содооҳакли аралашмалардан фойдаланилди. Боғловчилар нормал ва гидротермал шароитларда қотдилар, гидратация маҳсулотлари бўлиб ишқорли цеолитлар ёки цеолитлар ва паст асосли натрий гидросиликатлари ҳисобланди.

